

**Осиё тараққиёт банки ва Осиё инфратузилмавий инвестициялар
банки иштирокида амалга оширилаётган
“Ўзбекистон Республикасида коронавирус COVID-19 инфекциясига қарши
шошилиш чораларни кўриш” лойиҳаси бўйича
МАЪЛУМОТНОМА**

1. Ҳукумат қарори: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 апрелдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, бюджет, базавий инфратузилма ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш учун ташқи ёрдам маблағларини жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги **4691-сонли Қарори** ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 июлдаги “Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги **6035-сонли Фармони** ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 майдаги “Осиё тараққиёт банки ва Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки иштирокида «Ўзбекистон Республикасида коронавирус COVID-19 инфекциясига қарши шошилиш чораларни кўриш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги **5129-сонли Қарори** ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” **ПФ–60-сонли Фармони**.

2. Лойиҳа мақсади: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси ҳамда унинг қошидаги барча муассасалар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.

3. Лойиҳанинг умумий миқдори ва тақсимооти: 200,0 млн. АҚШ долл. (шундан, 100,0 млн. АҚШ долл. ОТБ ҳиссаси ва 100,0 млн. АҚШ долл. ОИИБ ҳиссаси).

АҚШ доллари

Т/р	Асосий техник-иқтисодий параметрлар	Жами*	Молиялаштириш манбалари		
			ОТБ қарз мблағлари	ОИИБ қарз мблағлари	Бюджет мблағлари
1.	Лойиҳанинг умумий қиймати	221 527 227,43	100 000 000,00	100 000 000,00	21 527 227,42
2.	Капитал қўйилмалар суммаси, жами:	221 527 227,43	100 000 000,00	100 000 000,00	21 527 227,42
шу жумладан, компонентлар бўйича:					
2.1.	1-компонент: Техника ва жиҳозларни харид қилиш	70 037 067,74	31 210 814,50	31 210 814,50	7 615 438,74
2.2.	2-компонент: Қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш	87 062 373,86	38 867 131,19	38 867 131,19	9 328 111,48
2.3.	3-компонент: Тез тиббий ёрдам махсус автотранспорт воситаларини харид қилиш	39 200 000,00	17 500 000,00	17 500 000,00	4 200 000,00
2.4.	4-компонент: Кадрларни ўқитиш ва малакасини ошириш	3 000 000,00	1 500 000,00	1 500 000,00	-
2.5.	5-компонент: Ахборот-коммуникация тизимларини жорий этиш	3 824 000,00	1 750 000,00	1 750 000,00	324 000,00
2.6.	6-компонент: Лойиҳани бошқариш ва мувофиқлаштириш	11 135 267,20	5 537 795,00	5 537 795,00	59 677,2
2.6.1.	Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи	325 267,20	132 795,00	132 795,00	59 677,2
2.6.2.	UNOPS таъкилоти лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ харажатлари	10 750 000,00	5 375 000,00	5 375 000,00	-

2.6.3.	Лойиҳа бўйича аудит тадбирлари	60 000,00	30 000,00	30 000,00	-
2.7.	Кўзда тутилмаган харажатлар	4 868 518,63	2 834 259,31	2 034 259,31	-
2.8.	Инвестиция давридаги молиявий харажатлар	2 400 000,00	800 000,00	1 600 000,00	-

4. Лойиҳа раҳбари: Б. Диметов (10 йилдан ортиқ тажриба / тайинланган сана 2021 йил 11 сентябрь).

5. Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи ходимлар сони: 6 штат бирлиги.

6. Қарз битими имзоланган сана: 2021 йил 31 декабрь (Ўзбекистон Республикаси ва ОТБ ҳамда ОИИБ ўртасида) // кўшимча битимлар 2022 йил 16 декабрида (ОТБ билан) ҳамда 2022 йил 23 декабрида (ОИИБ билан)

7. Қарз битими ёпилиш санаси: 2025 йил 31 январь

8. Лойиҳа ёпилиш санаси: 2025 йил 30 июнь

9. Техник-иқтисодий ҳисоб-китобга асосан мақсадли кўрсаткичлар:

Т/р	Муассасалар	Кўрсаткичлар	Мақсадлар
1.	Техника ва жиҳозларни харид қилиш (жами: 204 та муассаса)		
1.1.	Санитария-эпидемиология қўмитаси	1 та муассаса	Халқаро ва миллий талабларга жавоб берувчи миллий референс- лабораториялар
1.2.	Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази	1 та муассаса	
1.3.	Вирусология илмий-тадқиқот институти	1 та муассаса	
1.4.	Санитария, гигиена ва касб касалликлар илмий-тадқиқот институти	1 та муассаса	
1.5.	Республика ОИТСга қарши курашиш маркази	1 та муассаса	
1.6.	Санитария-эпидемиология қўмитасининг ҳудудий бошқармалари	14 та муассаса	Лаборатория мажмуаларни биологик хавфсизликнинг II даражасига кўтариш
1.7.	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ОИТСга қарши курашиш марказлари	14 та муассаса	
1.8.	Республика ўлат профилактика маркази филиаллари	3 та муассаса	
1.9.	Санитария-эпидемиология қўмитасининг туман (шаҳар) бўлимлари	148 та муассаса	Лаборатория мажмуаларни биологик хавфсизликнинг I даражасига кўтариш
1.10.	Республика ўлат профилактика маркази филиалларининг бўлимлари	6 та муассаса	
1.11.	Ҳудудий юқумли касалликлар шифохоналар	14 та муассаса	Моддий-техник базасини модернизациялаш
2.	Қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш (жами: 46 та муассаса)		
2.1.	Санитария-эпидемиология қўмитаси	1 та муассаса	Халқаро ва миллий талабларга жавоб берувчи миллий референс- лабораториялар
2.2.	Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази	1 та муассаса	
2.3.	Санитария, гигиена ва касб касалликлар илмий-тадқиқот институти	1 та муассаса	
2.4.	Республика ОИТСга қарши курашиш маркази	1 та муассаса	
2.5.	Санитария-эпидемиология қўмитасининг ҳудудий бошқармалари	12 та муассаса	Лаборатория мажмуаларни биологик хавфсизликнинг II даражасига кўтариш
2.6.	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ОИТСга қарши курашиш марказлари	9 та муассаса	
2.7.	Республика ўлат профилактика маркази филиаллари	2 та муассаса	
2.8.	Санитария-эпидемиология қўмитасининг туман (шаҳар) бўлимлари	19 та муассаса	

10. Яратиладиган иш жойлар сони: 5 000 та иш жойи.

11. Лойиҳанинг жойлашуви: Ўзбекистон Республикаси 14 та ҳудуди ва 205 та туман (шаҳар).

12. 2023 йил 15 декабрь ҳолатига ўзлаштириш кўрсаткичи:

Лойиҳа доирасида умумий ўзлаштириш кўрсаткичи жами 90,6 млн. АҚШ долларни ташкил этади, жумладан, 2022 йилда жами 24,6 млн. АҚШ dollari ва 2023 йилда жами 66,0 млн. АҚШ dollari (режага нисбатан 330%).

Ўзлаштириш кўрсаткичи қуйидагилардан таркиб топган:

– ОТБ қарз маблағлари ҳисобидан 2021 йил 3 декабрда 12,25 млн. АҚШ dollari тез тиббий ёрдам автотранспорт воситаларини харид қилиш учун 2021 йил 27 сентябрдаги CERP/DC-G01LM1-2021/01-сонли шартномага асосан етказиб берувчига тўлаб берилган;

– ОИИБ қарз маблағлари ҳисобидан 2022 йил 13 июнда 12,25 млн. АҚШ dollari тез тиббий ёрдам автотранспорт воситаларини харид қилиш учун 2021 йил 27 сентябрдаги CERP/DC-G01LM1-2021/01-сонли шартномага асосан етказиб берувчига тўлаб берилган;

– ОТБ қарз маблағлари ҳисобидан 2021 йил 24 декабрда 100 000 АҚШ dollari лойиҳани амалга ошириш гуруҳини сақлаш ва ходимлар иш ҳақлари учун жалб қилинган (ҳисоб рақамдан ечиб олинган);

– ОТБ қарз маблағлари ҳисобидан 2023 йил 30 январиди 3,5 млн. АҚШ dollari қўрилиш, реконструкция, капитал таъмирлаш ва тегишли асбоб-ускуналарни харид қилиш билан боғлиқ бўлган амалий чоралар билан боғлиқ бўлган харажатларни қоплаш мақсадида ЮНОПС ташкилотига тўлаб берилган;

– ОИИБ қарз маблағлари ҳисобидан 2023 йил 30 январиди 3,5 млн. АҚШ dollari қўрилиш, реконструкция, капитал таъмирлаш ва тегишли асбоб-ускуналарни харид қилиш билан боғлиқ бўлган амалий чоралар билан боғлиқ бўлган харажатларни қоплаш мақсадида ЮНОПС ташкилотига тўлаб берилган;

– ОТБ қарз маблағлари ҳисобидан 2023 йил 4 декабрда 29,5 млн. АҚШ dollari қўрилиш, реконструкция, капитал таъмирлаш ва тегишли асбоб-ускуналарни харид қилиш билан боғлиқ бўлган амалий чоралар билан боғлиқ бўлган харажатларни қоплаш мақсадида ЮНОПС ташкилотига тўлаб берилган;

– ОИИБ қарз маблағлари ҳисобидан 2023 йил 4 декабрда 29,5 млн. АҚШ dollari қўрилиш, реконструкция, капитал таъмирлаш ва тегишли асбоб-ускуналарни харид қилиш билан боғлиқ бўлган амалий чоралар билан боғлиқ бўлган харажатларни қоплаш мақсадида ЮНОПС ташкилотига тўлаб берилган.

13. Бажарилган ишлар бўйича батафсил маълумот:

2021 йил 1 октябрга қадар 1 000 та тез тиббий ёрдам махсус автотранспорт воситаларини харид қилиш чораларини қўриш масаласи бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида 2021 йил 18 май куни “Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотларнинг самарадорлигини ошириш ҳамда рақамлаштириш жараёнларини жадаллаштириш чора-тадбирлари” тўғрисида кенгайтирилган тарзда ўтказилган видеоселектор йиғилиши 28-сонли баёнининг 25-бандида:

– Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда “Ўзавтосаноат” АЖларга 2021 йил 1 октябрга қадар тез тиббий ёрдам хизматининг моддий техника

базасини янада мустаҳкамлаш мақсадида **Осиё тараққиёт банкининг 35 млн. АҚШ доллари** миқдоридаги имтиёзли кредит маблағлари ҳисобига 1 000 дона “Volkswagen Caddy” тез тиббий ёрдам махсус автотранспорт воситаларини харид қилиш юзасидан зарур чораларни кўриш топшириғи берилган.

Юқоридаги 1 000 та “Volkswagen Caddy” тез тиббий ёрдам махсус автотранспорт воситаларини харид қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва “Жиззах автомобиль заводи” МЧЖ номидан ҳамда тижорат вакили сифатида “Sergeli Avtotexxizmat” МЧЖ ўртасида 2021 йил 27 сентябрда 35,0 млн. АҚШ доллари миқдорида CERP/DC-G01LM1-2021/01-сонли шартнома имзоланган.

Мазкур шартномага асосан “Жиззах автомобиль заводи” МЧЖ:

- 2021 йил 9 декабрдаги 03/03-1535-сонли хати билан Осиё тараққиёт банки томонидан 2021 йил 7 декабрда 12,25 млн. АҚШ доллари;

- 2022 йил 21 июндаги 02/02-448-сонли хати билан Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки томонидан 12,25 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағ келиб тушганлигини маълум қилган.

Юқоридаги шартномага асосан 2021 йилнинг декабридан 2023 йилнинг ноябрга қадар “Жиззах автомобиль заводи” МЧЖ томонидан жами **700 дона** “Volkswagen Caddy” (Cargo taxi) русумли тез тиббий ёрдам махсус автотранспорт воситалари Соғлиқни сақлаш вазирлигига етказилган, жумладан *2021 йилнинг декабрида – 110 дона, 2023 йилнинг февралда – 110 дона, 2023 йилнинг мартда – 119 дона, 2023 йилнинг сентябрда – 153 дона, 2023 йилнинг октябрда – 100 дона ва 2023 йилнинг ноябрда – 108 дона.*

Шартнома доирасида етказилмаган **300 та** автотранспорт воситалари 2024 йилнинг мартга қадар етказилиши режалаштирилган.

2022 йил 1 февралга қадар Лойиҳа техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиб, экспертиза органларидан ижобий хулосаларни олган ҳолда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш масаласи бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ–60-сонли Фармони (238 банд) асосан Лабораторияларни ташкил этиш бўйича лойиҳанинг техник-иқтисодий асосини ишлаб чиқиш ҳамда БМТнинг Лойиҳа хизматлари бошқармасини (UNOPS) лойиҳанинг техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқишга ва амалга оширишга жалб этиш белгилаб ўтилган. Ушбу қарорга асосан лойиҳанинг техник-иқтисодий асосини ишлаб чиқиш 2022 йилнинг март ойи белгилаб ўтилган.

Лойиҳанинг техник-иқтисодий ҳисоб-китобини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун Бирлашган миллатлар ташкилотининг лойиҳа хизматлари бошқармасига (ЮНОПС) топширишга ва ушбу ташкилот билан тегишли келишув имзоланишига Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 сентябрдаги 07/10-221-сонли топшириғига кўра рухсат берилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Инвестиция ва ташқи савдо вазири, Ҳукумат комиссиясининг раиси С.Умурзаковнинг 2022 йилнинг 15 апрелида 27-сонли баёни расмийлаштирилган. Баёнда Лойиҳанинг ТИА сини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш учун ихтисослаштирилган ташкилотни жалб қилиш масаласи юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Санитария-эпидемиологик

осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати, Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги ҳамда ОТБ, ОИИБ вакиллари билан биргаликда GOPA Worldwide Consultants (GOPA), Бирлашган миллатлар ташкилотининг Лойиха хизматлари бошқармаси (ЮНОПС), Болалар фонди (Юнисеф), Тараққиёт дастури (БМТТД), ОИВ/ОИТС бўйича қўшма дастури (ЮНЭЙДС), Аҳоли жамғармаси (ЮНФПА) ва бошқа ташкилотлар билан қатор музокаралар ўтказилган ва таклифлар ўрганиб чиқилган. Таклифларни ўрганиш натижаларида лойиха ТИА сани ишлаб чиқиш ва лойихани амалга ошириш бўйича энг муносиб ташкилот сифатида ЮНОПС ташкилоти маъқулланган ва Санитария-эпидемиология хизмати (Юсупалиев) ва ЮНОПС ўртасида умумий индикатив қиймати 10,75 млн. АҚШ доллари миёдоридagi шартномани 2022 йил 25 апрелга қадар имзоланиши белгиланган.

Лойиханинг техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун ЮНОПС ташкилотини жалб этиш бўйича топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ва ЮНОПС ўртасида келишув шартномаси ишлаб чиқилиб, ОТБ га кўриб чиқиш ва ижобий хулоса олиш учун 2021 йил 10 ноябрь куни юборилган ҳамда ОТБнинг изох ва таклифлари 2022 йилнинг 8 ноябрь куни олинганлиги сабабли (12 ой ОТБ томонидан кўриб чиқилган) лойиханинг ТИА си ишлаб чиқилмаган, тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда экспертизадан ижобий хулосалар олинмаган, Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлатиш учун киритилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 сентябрдаги 07/10-221-сонли топшириғига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ–60-сонли Фармони (238 банд) ҳамда Ташки савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси йиғилишининг 2022 йил 15 апрелдаги 27-сонли баёнига асосан, Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ва ЮНОПС ўртасида умумий қиймати 10,75 млн. АҚШ долларига тенг бўлган келишув шартномаси ишлаб чиқилиб, Халқаро молия институтларига келишиш учун 2021 йилнинг 10 ноябрида, 2022 йилнинг 27 майида ва 30 ноябрида юборилган.

2022 йилнинг 22 декабрида Халқаро молия институтларининг лойиханинг техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун ЮНОПС ташкилотини жалб этиш бўйича ижобий хулосалари берилди ва 2022 йилнинг 23 декабрида Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ва ЮНОПС ўртасида умумий қиймати 10,75 млн. АҚШ долларига тенг бўлган 23327-сонли келишув шартномаси имзоланди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигида 2022 йилнинг 24 декабрида K0622449 рақами остида ҳисобга олинди (2022 йил 27 декабрдаги 05-16-2-14844-сонли хати).

Белгиланган техник-иқтисодий йиғма параметрларига асосан 2021 йилнинг июн ва июл ойларида Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати томонидан 263 та лойиха муассасалари хатловдан ўтказилди ва назорат-таҳлил тадбирлари амалга оширилди, ҳусусан муассасаларнинг эҳтиёжи аниқланди ва харид қилиниши режалаштирилган асбоб-ускуналар рўйхати, муассасаларда қурилиш,

реконструкция ва капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган бирламчи параметрлар шакллантирилди.

Шакиллантирилган бирламчи параметрларга асосан Санэпидқўмита томонидан лойиҳа техник-иқтисодий асослари ишлаб чиқилиб, 2023 йилнинг 26 октябрида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия (Санэпидқўмитанинг 32-8/1749-сонли хати) ва Инвестициялар, саноат ва савдо вазирликлари (Санэпидқўмитанинг 32-8/1750-сонли хати) келишиш ва экспертиза қилиш мақсадида киритилиши таъминланди. Ўрнатилган тартибда ўтказилган амалий ишлар якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигининг 2023 йил 25 ноябридаги 02-62-2-14188-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2023 йил 11 декабрдаги 05/40-8864-сонли ижобий хулосалари олинди.

Ушбу лойиҳа соғлиқни сақлаш тизимини, хусусан Санэпидқўмита тизимидаги муассасаларни моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва тизимни нафақат коронавирус COVID-19 инфекциясига қарши балки бошқа хавфли юқумли касалликларга (вабо, куйдирги, менингит, ротавирус инфекциялар, иерсиниоз ва бошқалар) бардошлилигини ошириш ва тайёрлашга мўлжалланган.

Айни вақтда ЮНОПС ташкилоти томонидан танлаб олинган лойиҳа институтлари томонидан жами 46 та лойиҳа муассасалари қайта хатловдан ўтказилиб тегишли лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлиб чиқилмоқда.

Бўлим бошлиғи

А. Норбеков